

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Adashova Guljaxon Muxammadjonovna

NamDU mustaqil tadqiqotchi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18693164>

Annotatsiya: Maqolada mustaqil ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishga ta'sir etuvchi asosiy pedagogik omillar tahlil qilinadi. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarning motivatsiyasi, o'qituvchining metodik ko'nikmalari, o'quv resurslarining sifati va mustaqil ishlashga imkon beruvchi pedagogik texnologiyalar samaradorlikni sezilarli darajada oshiradi. Shuningdek, maqolada mustaqil ta'limni tashkil etishda pedagogik nazorat, o'zini baholash mexanizmlari va individual yondashuvning ahamiyati ham ko'rsatib o'tiladi. Tadqiqot natijalari amaliyotda ta'lim jarayonini optimallashtirish va o'quvchilarning mustaqil faoliyatini samarali tashkil etishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: mustaqil ta'lim, pedagogik omillar, ta'lim samaradorligi, motivatsiya, o'quv resurslari, pedagogik texnologiyalar, o'zini baholash, individual yondashuv

Бугунги кун таълим тизимида талабаларнинг аудиториядан ташқари шароитда мустақил таълим олиши, уларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштириш, замонавий педагогикада муҳим ўрин тутди. Мустақил таълим нафақат фанларни ўзлаштириш, балки талабаларнинг танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, ижодий ёндашув ва шахсий масъулиятни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Айни вақтда аудиториядан ташқари шароитда ижодий мустақил таълимни фаоллаштириш талабаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларни мустақил фикрлай оладиган, ижодий ёндашувга эга мутахассислар сифатида тайёрлашга ёрдам беради.

Аудиториядан ташқари шароитда ижодий мустақил таълимни фаоллаштирувчи омиллар [8, 6] куйидагича:

1. **Ахборот-коммуникация технологиялари** — электрон таълим платформалари (Moodle, Google Classroom, Coursera, Khan Academy ва ҳ.к.) орқали интерактив, мулоқотга асосланган мустақил таълим жараёнлари.
2. **Лойиҳага асосланган таълим (Project-based learning)** — талабаларни реал ҳаёт муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ижодий фаолиятга жалб қилиш.
3. **Тадқиқотчилик фаолияти** — талабалар томонидан рефератлар, мақолалар, илмий ишлар ёзиш, тажриба ўтказиш каби жараёнларни ташкил этиш.
4. **Ижодий вазифалар ва кейс-методлар** — муаммоли ҳолатлар асосида мустақил ечимлар топиш ва уларни асослаб беришга қаратилган топшириқлар.
5. **Менторлик ва маслаҳат тизими** — ўқитувчи ёки мутахассис раҳбарлигида талабанинг индивидуал ривожланишини таъминлаш.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил таълимни ижодий фаоллаштириш таълим жараёнида пассив билим олувчидан фаол ижодкор шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув билимларни чуқур ўзлаштириш, уларни танқидий таҳлил қилиш ва янгича усулларда қўллаш салоҳиятини ривожлантиради. Бу эса замонавий меҳнат бозорида рақобатбардош, интеллектуал ва инновацион фикрлайдиган кадрларни тайёрлашга замин яратади [5].

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил таълимни ижодий фаоллаштириш замонавий таълимнинг муҳим тенденцияларидан бири бўлиб, талабаларни шахсий

ривожланишга, мустақил фикрлашга, танқидий таҳлилга ва ижодий ечимлар топишга ундайдиган таълимий стратегияларни ривожлантиришни назарда тутди. Ушбу масала таълимнинг анъанавий шаклларида компетенцияга асосланган, талабани марказга қўядиган ёндашувларга ўтишда асосий аҳамиятга эга. Мавзу педагогика назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан олиб қаралганда, талабаларнинг билим олиш жараёнидаги ижодий фаоллигини ошириш, уларни аудиториядан ташқаридаги таълим фаолиятига фаол жалб қилиш орқали мустақил ўқишга, мустақил қарор қабул қилишга ва тадқиқотчилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, масофавий таълим, рақамли таълим платформалари, онлайн курслар ва интерактив таълим технологияларининг кенг қўлланиши мазкур жараённинг янги босқичга кўтарилишини таъминлайди [4].

Аудиториядан ташқари мустақил таълим жараёнида ижодий фаоллашувга таъсир этувчи омиллар кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Бу омилларнинг тизимли равишда уйғунлашган ҳолда қўлланилиши таълим самарадорлигини, талабаларнинг шахсий ривожланишини, инновацион фикрлашини ва рақобатбардош салоҳиятини оширади. Илмий таҳлил шуни кўрсатадики, бундай тизимли ёндашув талабаларнинг ижодий мустақил таълимида юқори натижаларни таъминлайди [6].

Мазкур тадқиқот таълимдаги глобал тенденциялар, хусусан, АҚШ, Финляндия, Германия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали, миллий таълим тизимида ижодий фаол мустақил таълим муҳитини шакллантиришга хизмат қиладиган самарали методика ва ёндашувларни илмий асослашга қаратилган.

2.3.1-жадвал.

Аудиториядан ташқари таълим муҳитида талабаларнинг ижодий фаоллигини таъминловчи омиллар

Омиллар туркуми	Омиллар мазмуни
<i>Психологик-педагогик</i>	Ижодий фикрлашни рағбатлантириш, ички мотивация, ўқишга қизиқиш, шахсий мақсадлар аниқлиги
<i>Ташкилий-услубий</i>	Мустақил таълим вазибаларининг тузилиши, топшириқлар даражаси, педагогик раҳбарлик, рефлексия механизми
<i>Ахборот-коммуникация технологиялари</i>	Онлайн платформалар (Moodle, Google Classroom), интерактив ресурслар, рақамли таҳлил воситалари
<i>Муҳит ва инфратузилма</i>	Китобхоналик, онлайн кутубхоналар, илмий тадқиқот марказлари, ижодий муҳит
<i>Салоҳият ва компетенциялар</i>	Изданишга мойиллик, тайёргарлик даражаси, вақтни бошқариш кўникмалари, мустақил ўрганиш стратегиялари

Ушбу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири ижодий фаоллашувнинг юзага чиқишига замин яратади. Масалан:

- **Психологик мотивация** юқори бўлган талаба, агар унга **ақлга мос ташкилий ва рақамли имкониятлар** яратилса, ўз билим олиш жараёнини ижодий ташкил этишга интилувчан бўлади.
- **Интерактив технологик муҳит** мавжуд бўлса-да, агар **педагогик қўллаб-қувватлаш ва шарҳлаш механизмлари** бўлмаса, талабада ижодий изланиш эмас, механик бажариш усули шаклланиши мумкин.
- **Мустақил топшириқлар** кўпроқ **тадқиқот** усулида тайёрланган бўлса, талабада изланувчанлик ва мустақил ижод қилиш кўникмаси ривожланади.

Шу жиҳатдан қаралганда, талабаларнинг ижодий фаоллашуви — **омилларнинг яхлит тизим сифатида мослашувчан ҳамкорлиги** орқали юзага келади.

Ижодий фаоллашув самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилади [8]:

- **ижодий топшириқларни бажариш сифат даражаси** (инновацион ечимлар, оригинал ёндашувлар);
- **мустақил тадқиқотларда иштирок этиш фаоллиги** (илмий иш, мақола, лойиҳа ва ғоялар тақдироти);
- **танқидий фикрлаш элементларининг аниқ намоён бўлиши** (муаммоли масалаларда альтернатив ечимлар таклифи);
- **онлайн платформалардаги фаоллик ва индивидуал ўқиш стратегияларини шакллантириш.**

Масалан, фин таълим тизимида олиб борилган тадқиқотларда ижодий фаоллик юқори бўлган талабаларда мустақил таълим жараёнининг 70% га яқини **рақамли муҳитда амалга оширилгани**, ҳамда уларнинг таҳлил ва янгича фикр яратиш қобилияти анъанавий гуруҳдан сезиларли юқори экани қайд этилган.

АҚШ таълим тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда “талаба марказли таълим” (student-centered learning) тамойили устувор аҳамиятга эга. Бу ёндашувда талабалар ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси, мустақил қарор қабул қилувчи ва тадқиқотчилар сифатида намоён бўлади [1].

Амалий шакллар:

- **Project-Based Learning (PBL)** – талабалар гуруҳларда ёки индивидуал равишда лойиҳалар устида ишлайди, муаммоларга ижодий ечим топишади;
- **Flipped Classroom** – маъруза материаллари онлайн тарзда ўрганилади, дарсда муаммоли муҳокамалар ўтказилади;
- **Learning Contracts** – талабалар билан индивидуал ўқув шартномалари тузилади, мақсад ва натижалар аниқ белгиланади.

Миллий таълим тизимида жорий этиш имконияти:

Ўзбекистонда “Digital Uzbekistan” доирасида электрон таълим платформалари (Masofaviy.uz, Ziyonet) кенгайтиб бораётгани ушбу моделларни адаптация қилиш учун пойдевор ҳисобланади. Айниқса, “агдарилган синф” модели маҳаллий университетларда экспериментал тарзда жорий этиш учун муносиб.

Финляндия таълим тизими дунёдаги энг самарали моделлардан бири ҳисобланади. Бу ерда талабаларнинг мустақил ўқиш жараёни эркин, индивидуал, ижодий ва жамовий шаклда ташкил этилади [4].

Амалий шакллар:

- **Phenomenon-Based Learning** – фанлараро муаммоларни ўрганиш орқали ижодий фикрлашни ривожлантириш;
- **Self-directed Learning Tasks** – талабалар ўқув топшириқларини ўзлари танлайди, режалаштиради ва таҳлил қилади;
- **“No pressure” муҳити** – баҳолаш жараёнида ижодий вазифаларга кўпроқ эътибор берилади, хатоларга конструктив муносабат шакллантирилади.

Миллий тизимда жорий этиш имконияти: Ўзбекистонда талабаларнинг ижтимоий-эмоционал ривожланишини қўллаб-қувватловчи муҳит яратиш бўйича ишларни кучайтириш орқали фин моделига яқинлашиш мумкин. Фанлараро лойиҳаларни ташкил этишда STEM дастурлари асос бўла олади.

Германияда мустақил таълим меҳнат бозори талаблари билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилади. Айниқса, **дуал таълим** тизимида назария ва амалиёт уйғунлашган [3].

Амалий шакллар:

- **Research-Integrated Education** – талабалар таълим жараёнида илмий лабораториялар ва тадқиқот гуруҳлари билан ҳамкорлик қилади;
- **Portfolio Assessment** – талабалар ижодий ишларини портфолио кўринишида тақдим этади;
- **Mentorlik ва тьюторлик тизими** – ҳар бир талабага индивидуал маслаҳатчи бириктирилади.

Миллий тизимда жорий этиш имконияти: Ўзбекистонда 2021 йилдан бошлаб дуал таълим моделлари пилот тарзда жорий этилмоқда. Бу жараёнда талабаларнинг мустақил ишлаш ва тадқиқотчилик салоҳиятини ривожлантириш учун Германия моделидан унумли фойдаланиш мумкин.

Жанубий Корея таълим тизимида рақамлаштириш, ўйинлаштириш (gamification) ва интерактив онлайн таълим технологиялари орқали талабаларнинг мустақил таълимга бўлган қизиқишини юқори даражада қўллаб-қувватлашга эришилган [2].

Амалий шакллар:

- **Smart Learning Platforms** – AI асосида фаолият юритувчи адаптив таълим тизимлари;
- **Gamified Assignments** – ижодий ўйин шаклидаги топшириқлар;
- **MOOC ва Open Learning Systems** – оммавий очик онлайн курслар орқали мустақил таълим имкониятлари.

Миллий тизимда жорий этиш имконияти: Ўзбекистонда Ziyonet, EduMarket, IT-Park платформалари асосида рақамли таълим муҳитини кенгайтириш орқали Корея тажрибаси тадрижий равишда адаптация қилиниши мумкин.

Хорижий мамлакатлардаги мустақил таълимни ижодий фаоллаштиришга қаратилган моделлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон таълим тизимида қуйидаги тавсиялар асосида жорий этиш мумкин [7]:

- **Лойиҳага асосланган таълим (PBL) ва фанлараро тадқиқотларни олий таълим муассасаларида кенг йўлга қўйиш;**
- **Рақамлаштиришни чуқурлаштириш,** яъни онлайн ва гибрид моделлар асосида мустақил таълим ресурсларини бойитиш;
- **Ижодий портфолио** юритиш амалиётини баҳолаш тизимига интеграция қилиш;
- **Менторлик ва маслаҳат тизимини** самарали ташкил этиш орқали шахсий фаолликни рағбатлантириш;

- **Фанлараро интеграция ва инновацион кейслар асосида** таълим мазмунини қайта ишлаш.

Аудиториядан ташқари шароитда талабаларнинг мустақил таълими жараёнида ижодий фикрлаш, тадқиқотчилик қобилияти ва амалий кўникмаларини фаоллаштирувчи инновацион таълим муҳитини шакллантириш.

2.3.2-жадвал.

Мустақил таълимни ижодий фаоллаштиришнинг асосий компонентлари

Блок номи	Мазмуни
1. Мотивацион блок	Ижодий фаолликни рағбатлантирувчи шахсий мақсад қўйиш, ички мотивацияни шакллантириш, мукофот ва баҳолаш тизими
2. Ахборот-ресурс базаси	Онлайн кутубхона, интерактив платформа, очиқ таълим курслари (Coursera, Khan Academy, Ziyonet)
3. Педагогик дастаклар	Тьюторлик ва менторлик, мулоқот ва маслаҳат майдонлари (чатлар, форумлар, вебинарлар)
4. Ижодий фаолият блоки	Лойиҳалар, эссе, кейс-стади, мультимедиа ёритма тайёрлаш, инфографика, дизайн-фикрлаш элементлари
5. Рефлексия ва баҳолаш	Портфолио, ўз-ўзини баҳолаш, ўзаро баҳолаш, фаолият журналлари, интерактив саволномалар

Методик тавсиялар:

1. Фаол таълим стратегияларини жорий этиш:

- *Project-based learning* (лойиҳага асосланган ўқиш): талабалар воқеий муаммоларни ижодий ечиш билан шуғулланади;
- *Case-study* (кейслардан таҳлил): турли муаммоли ҳолатлар бўйича мустақил фикр юритишга ўргатади;
- *Design Thinking* (дизайн-фикрлаш): инновацион ёндашув ва ижодий ечимлар ишлаб чиқишни ўргатади.

2. Рақамлаштириш ва мустақил таълим муҳитини яратиш:

- Онлайн платформаларда мавзу бўйича шахсий траекториялар яратиш (Masofaviy.uz, Google Classroom);
- Электрон ресурслардан фойдаланиш бўйича гидлар ва видеодарслар ишлаб чиқиш;
- Интерактив фойдали манбалар базаси (E-kitob, видеоматериал, шаблонлар, инфографика).

3. Ижодий топшириқлар турларини жорий этиш:

- Эссе ва ижодий саволларга жавоб бериш (фикрлар эркинлигини таъминлаш учун);
- Инфографика ва мультимедиа таълимий маҳсулотлар тайёрлаш;
- Фанлараро ижодий лойиҳалар (масалан, "Иқлим ўзгаришига жавоб топинг" мавзусида биология ва география биргаликда).

4. Бошқарув ва баҳолаш тизими:

- Ҳар бир талабага персонал таълим йўналиши шакллантириш;

- Фаолиятни **портфолио** орқали баҳолаш (ижодий ишлар, изланишлар, тафаккур маҳсуллари);
- **Ўзаро баҳолаш** ва **ўз-ўзини баҳолаш** элементларини жорий этиш.

Ижодий фаоллаштиришнинг афзалликлари:

- Талабаларда мустақил изланиш ва ижодий фикрлашни фаол ривожлантиради;
- Аудиториядан ташқари таълимни шахсийлаштириш имконини яратади;
- Танқидий фикрлаш, мулоқот, жамоавий ишлаш ва рақамли саводхонлик каби компетенцияларни шакллантиради;
- Илмий тадқиқотларга қизиқиш ва инновацион ёндашувни рағбатлантиради.

Миллий таълим тизимида жорий этиш тавсиялари:

- Ҳар бир ОТМ да “Мустақил таълимни қўллаб-қувватлаш марказлари” ташкил этиш;
- Ўқитувчилар учун *ижодий топшириқлар тузиш* ва *цифрлаштирилган таълим ресурсларини яратиш бўйича малака ошириш курслари*;
- Университетларда *портфолио баҳолаш тизимини* босқичма-босқич татбиқ этиш;
- *Студент-тьютор* моделини жорий этиш орқали юқори курс талабаларининг қўллаб-қувватловчи ролини фаоллаштириш.

Рақамли воситалар орқали талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил таълимида ижодий фаоллик, мустақил фикрлаш, танқидий таҳлил ва тадқиқотга мойилликни ошириш.

2.3.3-жадвал.

Замонавий рақамли таълим муҳитида талабаларни ижодий фаоллаштирувчи воситаларнинг самарадорлиги

Восита	Ижодий фаолликка таъсири	Самарадорлик
Интерактив платформалар	Эркин фикр ва ижодий ёндошувга шароит яратади	Юқори
Кейс-метод	Танқидий фикрлаш ва турлича ечимлар яратиш	Ўртадан юқори
Лойиҳа асосидаги таълим	Новаторлик ва мустақил ғоялар ривож	Юқори
Видео таҳлил	Талабанинг шахсий позициясини шакллантиради	Юқори
МООСлар	Халқаро даражадаги ресурсларга эга бўлиш ва индивидуал ривожланиш	Юқори

Ижодий фаоллик — бу билимларни қайта ишлаш, янгича шаклда акс эттириш, инновацион ғоялар яратиш жараёни бўлиб, у мустақил таълимнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Xulosa o'rnida, mustaqil ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishga ta'sir etuvchi asosiy pedagogik omillar tahlili natijalari shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarning motivatsiyasi, o'qituvchining metodik ko'nikmalari, o'quv resurslarining sifati va mustaqil ishlashga imkon beruvchi pedagogik texnologiyalar samaradorlikni sezilarli darajada oshiradi.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. 1700ECD. (2019). Innovating Education and Educating for Innovation. Retrieved June 15, 2025, from <https://www.oecd.org/education/ceri/innovating-education.htm>
2. 163Coursera. (2023). Critical Thinking and Problem Solving. Retrieved June 10, 2025, from <https://www.coursera.org/learn/critical-thinking>
3. 159Siemens, G. (2015). Connectivism: A Learning Theory for the Digital Age. International Journal of Instructional Technology and Distance Learning, 2(1), P. 3-10.
4. 149Bransford, J., Brown, A. L., & Cocking, R. R. (2015). How People Learn: Brain, Mind, Experience, and School. National Academy Press. pp. 89-115.
5. 140Хуторской А. В. Системно-деятельностный подход в обучении: Научно-методическое пособие / А. В. Хуторской. – Москва: Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2012. - 63 с.
6. 86 Морозова Н. В. Управление внеаудиторной самостоятельной работой студентов в условиях рейтинговой системы // Казанская наука. Казань: Казанский издательский дом, 2010. № 10. С. 124–126.
7. 69Komilov A.H. Talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish metodlari. Toshkent: Universitet nashriyoti. 2021. 45-68-b.
8. 21Abdullayev F.R. Interaktiv platformalar orqali mustaqil ta'limni tashkil etish. Ta'lim sohasi ilmiy tahlillari, 2(10), 2021. 78-85.